

Ўзаро ҳамкорлик доирасида Беларусь давлат аграр техника университети вакилининг институтга ташрифи

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан Беларусь давлат аграр техника университети ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномаси доирасида институтга мазкур университетнинг кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти директори Николай Степанович Яковчик ташриф буюрди. Ташриф доирасида Н.С.Яковчик ва институт раҳбарияти ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Сўнгра Н.С.Яковчик Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети ҳамда “Қишлоқ хўжалиги машиналари” кафедраси профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлари, ўқув жараёни ва моддий-техника базаси билан танишди.

“Қишлоқ хўжалиги машиналари” кафедрасида факультет профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба ёшларига семинар ташкил этилди. Семинарда Н.С.Яковчик йиғилганларга Беларусь давлат аграр техника университети ҳамда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамда университетда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди. ТИҚҲММИ профессор-ўқитувчилари билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашди ва келгусидаги амалий ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.



“Қишлоқ хўжалиги машиналари” кафедраси мудири

К.Д.Астанакұлов

ТИҚҲММИ матбуот хизмати